



Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

ТУРЛИ СОҲА ВА ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ: ТАРИХИЙ МАНЗАРА ВА БУГУНГИ КУН

Шарт-шароит ва ўзига хос жиҳатлар	2
Саноат	2
Қишлоқ хўжалиги	4
Автойўл инфратузилмасини ривожлантириш	6
Темирийўл инфратузилмасининг ривожланиши	7
Фан-техника соҳасини ривожлантириш	9
Таълим соҳаси	11
Хизмат кўрсатиш соҳаси ва «япон меҳмондўстлиги»	12
Миграция сиёсати	14

Шарт-шароит ва ўзига хос жиҳатлар

Япония иқтисодиётининг юксалиши Мэйдзи даврида, аниқроғи 1868-йилдан, яъни Япония дунёning етакчи давлатларидан бирига айланган пайтдан бошланган. Мамлакат бу даврда ташқи дунёга очиқлик сиёсатини олиб борди ва бошқарув, технологиялар, таълим ва бошқа соҳаларда ғарб мамлакатларининг энг яхши тажрибаларини қўллай бошлади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Япония тезда ўзини ўнглаб олди ва бутун саъиҳаракатини тикланишга қаратди. Бу барчага маълум **бўлган "япон иқтисодий мўъжизаси"** га олиб келди.

Ҳозирги вактда Япония учун аҳолининг кексайиши, янги ишланмалар соҳасидаги пасайиш ҳамда бошқа мамлакатлардан ўз корхоналарини олиб чиқиб кетиш хос.

Япония бутун тараққиёти давомида "**Шарқ аҳлоқи, ғарб фани**" деган муҳим фалсафага амал қилди. Бу ўзига хос жиҳат давлат ва жамиятнинг барча қатламларида миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш заруратини чуқур ҳис этишни англатади.

Бу ўзига хос жиҳатларнинг барчасини турли тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишида кузатиш мумкин.

Саноат

Япония саноатининг ривожланиши бир неча босқичда кечди. Уларнинг ҳар бирида жуда яхши натижалар олинди. Шу билан бирга, хато ва камчиликлар ҳам бўлди.

Биринчи босқич (1868-1945 йиллар). Мэйдзи даврини Япониянинг саноатлашишидаги бошланғич нуқта, деб ҳисоблаш мумкин. 20 йиллик қисқа давр ичida Япония қолоқ агарар мамлакатдан дунёning етакчи давлатларидан бирига айланди. Бу даврда Япония саноати учун янги технологик база яратилди.

Бу даврда **ишлиб чиқариш** инфратузилмасини яратиш, ғарб технологиялари ва мутахассисларини фаол жалб этиш, давлатнинг бевосита иштироки ва институционал муҳитни яратиш **муваффақиятнинг асосий омиллари** бўлди.

Айтиш жоизки, саноатни ривожлантириш учун биринчи навбатда инфратузилмага катта эътибор қаратилиб, маблағларнинг асосий қисми айнан унга йўналтирилди.¹

Кейинчалик саноат сиёсатининг йўналиши урушдаги мағлубиятга қадар ишлаб чиқариш соҳасини ҳарбийлаштириш билан алмашди.

Иккинчи босқич (1950-1973 йиллар) ёки ҳаммага маълум бўлган “Япония иқтисодий мўъжизаси” Японияда саноатнинг юксалиш даври бўлиб, унда йиллик иқтисодий ўсиш ўртacha **10 фоизни** ташкил этди.

Қуйидагилар муваффақиятнинг муҳим омиллари бўлди:²

- Хориждан тайёр маҳсулотларни олиб киришни таъқиқлаш ва замонавий Фарб технологияларини импорт қилишни рағбатлантириш;
- Патентлар, лицензиялар, ноу-хауларни фаол сотиб олиш ва уларни амалиётга жорий этиш.
- янги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни давлат даражасида қўллаб-кувватлаш;
- асосий мулқдор ва харидор бўлган давлатнинг фаол иқтисодий роли;
- комплекс молиялаштириш: умумдавлат аҳамиятига молик тараққиёт режалари хусусий инвестициялар ҳисобидан, тармоқ бўйича режалар эса давлатнинг молиявий ресурслари ҳисобидан таъминланди.

Ушбу даврдаги жадал ўсишнинг асосини **саноат конгломератлари (Кейрецу)** ташкил этди. Кейрецу асосида унинг таркибига кирадиган турли соҳаларга кредитлар берган ва сармоя киритган банклар бор эди. Битта конгломерат **турли соҳаларда** фаолият олиб бориши мумкин эди. Банк орқали маблағлар конгломерат ичida қайта тақсимланди. Бу эса фойда келтирмайдиган, аммо саноатнинг ривожланиши учун зарур бўлган соҳаларни молиялаштириш ва қўллаб-кувватлаш имконини берди. Бундан ташқари, ушбу механизм Кейрецуга қисқа муддатли фойдага камроқ эътибор қаратиш ва узоқ муддатли устувор йўналишларни белгилаш имконини берди.³

Учинчи босқич (1973-йилдан ҳозирги кунгача). Бу давр глобал миёсдаги нефть инқирозидан кейин саноат ривожланишидаги қарашларнинг ўзгариши билан ажralиб турди. **Саноатни кенг қўламли таркибий қайта қуриш** бошланди. У қуйидагиларни кўзда тутарди:

- энергия ва материалларни кўп талаб қилувчи тармоқларни максимал даражада қисқартириш;

¹ Опыт догоняющего развития: промышленная политика в Японии (1870–1880 гг.), О.Н. Емельянова, Ж. Из истории социально-экономической мысли и народного хозяйства, №16, 2016.

² <https://geopolitikum.org/yaponskoe-ekonomicheskoe-chudo/>

³ <https://femcivsoc.medium.com>

- фан интенсивлиги юқори бўлган тармоқларни жадал ривожлантириш;
 - саноатнинг барча тармоқларида фан-техника тараққиётининг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқариш фондларини кенг кўламда янгилаш.⁴
- 1985-йилдан иена курсининг ўсиши туфайли Япония **ўзидаги ишлаб чиқаришни мамлакат ташқарисига**, асосан, Осиё мамлакатларига **кўчира бошлади**.⁵ Иқтисодиёти ўсиб бораётган, катта бозор ва нисбатан арzon ишчи кучига эга **Хитой** корхоналарни кўчиришда асосий йўналиш эди.

Бироқ, сўнгги йилларда тобора кўпроқ япон корхоналари **ўз ишлаб чиқаришини Хитойдан олиб чиқмоқда**. Бунга асосан халқаро майдондаги геосиёсий вазиятнинг ўзгариши⁶, **ишлаб чиқариш ва ишчи кучи таннархининг ошиши**, глобал таъминот занжирларини бузган **COVID-19 эпидемиясининг** компаниялар фаолиятини кескин чеклаб қўйиши ва уларнинг фаолиятига таҳдид солиши каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Хозирги шароитда Ўзбекистон маълум афзалликларга эга бўлиши мумкин. Ушбу тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатлар бозорини тарк этаётган япон компанияларини жалб қилиш масаласини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Булар автомобилсозлик, электроника, телекоммуникация ускуналари каби соҳалар ва юқори технологияли машинасозлик соҳасидаги бошқа қатор компаниялардир.

Мисол учун, Япониянинг **Kyocera** компанияси Хитойнинг Тянцзинъ шахрида маҳаллий компаниялар билан рақобатга дош бера олмай, **қуёш панеллари** ишлаб чиқариши тўхтатди. Ўзбекистонда **қуёш энергетикасини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётгани**, шунингдек, бу соҳада зарур бўлган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш имкониятларини ошириш долзарблиги ҳисобга олинса, Япония компанияларини ишлаб чиқариш қувватларини Ўзбекистонга кўчиришга қизиқтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги⁷

Японияда қишлоқ хўжалиги бир неча ривожланиш босқичини бошдан кечирди. Бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигига ҳам дастлабки туб ўзгаришлар 70-йилларда рўй берган.

Биринчи босқичда (1870-1945 йиллар) ерга нисбатан **хусусий мулкчилик тизими** яратилди. Дастлабки йилларда хориждан қишлоқ хўжалиги

⁴ <https://history.wikireading.ru/hgLwIHKUf>

⁵ <https://finuni.ru/yaponskaya-model-ekonomicheskogo-razvitiya/>

⁶ <https://kitau.ru/blog/zapadnye-kompanii-kotorye-ukhodyat-iz-kitaya/>

⁷ Раздел основан на материалах книги “Япония: опыт модернизации” / Рук. проекта Э. В. Молодякова. – М., АИРО-XX1. 2011 – 280 с.

техникаси, чорва зотлари, турли хил **экин** уруғлари ҳамда күчатларини кенг миқёсда **импорт қилиш ва мослаштириш** ишлари бошланди. Шунингдек, хорижий технологияларни маҳаллий шароитга мослаштириш учун **тажриба станциялари** ташкил этилди.

Ҳукумат шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш билан ҳам шуғулланди: қишлоқ хўжалиги ўқув марказлари, касб-хунар таълим муассасалари, мактаблар ва коллежлар, университетларда эса маҳсус ихтисослашган бўлимлар ташкил этилди.

Аҳолини ғарб мамлакатларининг қишлоқ хўжалиигига оид назариялари ва технологиялари билан таништириш мақсадида малакага эга **хорижий мутахассислар** мамлакатга таклиф қилина бошланди. Шу билан бирга, маҳаллий мутахассислар хориж тажрибасини ўрганиш мақсадида турли ўқув йиғинларига юборилди.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ютуқларга асосан **интенсив усуслар** – экин навларини яхшилаш ва уларни етиштириш технологиясини модернизация қилиш орқали эришилди.

Мулкни хусусийлаштириш орқали йирик экстенсив хўжаликларини яратишга қаратилган ҳаракатлар ўз **самарасини бермади**. Кўпчилик дехқонларнинг ҳаёти унчалик ўзгармади. Бу даврда давлатдан ер сотиб ололган йирик ва ўртаҳол ер эгалари ишлаб чиқариш билан шуғулланмай, фақат ерни ижарага бериш орқали ўта юқори фойда олишга эришди.

Модернизациянинг кейинги босқичида, яъни 1945-йилдан кейин ердан фойдаланиш соҳасида қатъий қарорлар қабул қилинди. Испоҳотлар давлат белгиланган ўлчамлардан катта ери бўлган заминдорлардан ортиқча ерни сотиб олиш ва сўнgra дехқонларга, биринчи ўринда унинг собиқ ижаачиларига сотишни кўзда тутарди. Ер учун мақбул нарх белгиланди.

Тахминан 2 йил ичида йирик ер эгалиги бутунлай тугатилиб, **кичик мустақил фермерлар** қатлами яратилди.

Узоқ вақт давомида (1980-йилларнинг бошларига қадар давом этган) ерни бошқага беришнинг қонун билан қатъий чекланганлиги сабаб, мамлакатда ишлаб чиқариш кўлами туфайли тежаши ва самарадорликни ошириши мумкин бўлган **йирик фермер хўжаликлари шаклланмаган**.

Бундан ташқари, кейинги йилларда японияликлар супермаркетларда, офисларда ва бошқа жойларда кичик **сабзавот фабрикаларини** (татами матлари ҳажмида) ташкил эта бошлади.

Шунга қарамасдан, испоҳот қишлоқ хўжалигини янада модернизация қилиш ва қишлоқ аҳолисининг даромадларини оширишга хизмат қилди. Испоҳотлар умуман олганда, Япония иқтисодиётига ижобий таъсир этиб, саноат ва

шахсий истеъмолнинг ўсиши ҳисобига ички бозорнинг кенгайишига ҳисса қўшди.

Ҳукумат қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитиш ва соҳа кадрларини тайёрлашга катта эътибор беришда давом этди. Ҳозир фермерлар ва менежерлар малакасини ошириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигидаги Техник ўқув маркази ва қишлоқ хўжалиги ишчиларининг Олий мактаби, жойларда давлат субсидияларини олувчи Олий префектура мактаблари фаолият юритмоқда. Умумяпон қишлоқ хўжалиги палатасида қишлоқ хўжалиги билан қайтадан шуғулланувчиларга ёрдам бериш маркази очилган.

Мамлакатда қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда **Соҳага оид билимларини тарқатиш бўйича давлат хизмати** муҳим ўрин тутади. Бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида илмий ва технологик ютуқларни татбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда катта роль ўйнайди.

Республикада кичик фермер хўжаликлари сонининг кўплиги инобатга олинса, Япония тажрибасини Ўзбекистонга мос, деб ҳисоблаш мумкин. Япониянинг қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими алоҳида эътиборга лойиқ.

Автойўл инфратузилмасини ривожлантириш

Япониянинг автойўл инфратузилмаси 1950-йиллардан бошлаб фаол ривожлана бошлади. Шу вақтда сифатли автойўлларнинг жиддий тақчиллиги кузатиларди. Инфратузилмага талаб аллақачон юқори бўлгани сабабли, **зарур маблағларни тўплаш ва самарали таъминлаш чорасини** топиш зарурати туғилди. Бу масалада эса йўл инфратузилмаси соҳасида солиқ ундириш тизими алоҳида эътиборга лойиқ.

1954-йилда йўл ҳақини олиш тизимини яратиш учун **ёқилғи солиги** жорий қилинди. Ушбу маблағлар умуммиллий автомагистраллар тармоғи сифатини яхшилаш жамғармасига йўналтирилди. Бироқ, шунга қарамай, йўлларнинг аксарияти талабга жавоб бермади - уларнинг кенглиги 3,5 м дан кам (автомобиль ҳаракати учун **жуда тор**) ва **сифат жиҳатдан** Ғарб мамлакатларидағига **нисбатан анча паст** бўлиб қолди. Асосий ижобий ўзгаришлар фақат 1978-йилдан кейин бошланди.

Кейинчалик солиқ йиғиш тизими такомиллаштирилди. У қуйидаги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилди:

- йўлдан фойдаланишдан даромад олувчи инсонлар, ундан фойдаланиш қийматини тўлайди;

- йўлларга зарар етказувчилар уни тиклаш учун кетадиган харажатларини тўлайди.

Ҳозирги кунда марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари **томонидан саккиз турдаги солиқлар** йиғилади ва маҳсус йўл жамғармаларига йўналтирилади:

- ✓ Бензин учун солиқ;
- ✓ Суолтирилган нефть гази учун солиқ;
- ✓ Автотранспорт тоннажи учун солиқ;
- ✓ Маҳаллий йўлларни ўтказиш учун солиқ;
- ✓ Суолтирилган нефть газини ўтказиш учун солиқ;
- ✓ Автотранспортнинг тоннасини ўтказиш учун солиқ;
- ✓ Енгил нефть маҳсулотларини етказиб бериш учун солиқ;
- ✓ Автомобиль сотиб олиш учун солиқ.

Бундай тизим йўл инфратузилмасига инвестицияларни доимий равищада ошириш учун асос бўлади.

Пулли автомобиль йўлларини қуришда уларнинг аксарияти облигациялар (кафолатланган давлат облигациялари, давлат корхоналарининг облигациялари ва хусусий жойлаштириш облигациялари) ҳисобидан молиялаштирилади. Шу билан бирга, марказий ҳукумат маҳаллий ҳокимиятларга субсидиялар беради ва тўртта давлатга қарашли йўл корпорациясига сармоя киритади. Маҳаллий ҳукуматлар ҳам давлат корпорацияларига сармоя киритади ва субсидиялар беради.⁸

Япония тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги йўл инфратузилмасини яхшилашга қаратилган солиқларнинг “фойдаланувчи тўлайди” ва “ифлословчи тўлайди” тамоийллари бўйича тақсимланишига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Темирийўл инфратузилмасининг ривожланиши

Япониянинг темирийўл соҳасида 8 та хусусий жамоадан ташкил топган **Japan Railways (JR Group)** компаниялар грухи фаолият юритади. Шу билан бирга бошқа хусусий темирийўл компаниялари ҳам мавжуд.

JR Group Япония темир йўллар тизимининг **асосини ташкил қиласди**. Шаҳарлараро (шу жумладан тезюарар линиялар) ва шаҳар атрофидаги темир йўл қатновларининг катта қисми унинг улушига тўғри келади. Ушбу компаниялар грухи **1987-йилда** давлатга қарашли «Япония миллий темир йўллари» (JNR) ни ислоҳ қилиш орқали ташкил этилган.

⁸ https://www.researchgate.net/publication/233305118_Transport_Policy_and_Organization_in_Japan

Испоҳотлар бошлангунга қадар соҳада уни зарап кўриб ишлашга олиб келган бир қанча **тизимли муаммолар** мавжуд эди:

- 1. Ҳукумат ва айрим сиёсатчилар JNRнинг бошқарувига аралашарди.** Масалан, фойда кўрмайдиган янги йўналишлар қурилишига таъсир ўтказган.
- 2. JNR маъмурияти мустақил эмасди.** Масалан, бюджет, ходимлар ва иш ҳақи каби масалалар парламент ёки вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланган.
- 3. Бошқарув стандартлаштирилганди.** Тарифлар даражаси, қатновлар жадвали ва бекатларнинг жойлашуви каби асосий масалалар марказлаштирилган ҳолда ҳал қилинган, маҳаллий шароит ва талаблар ҳисобга олинмаган.
- 4. Менежерлар ва ишчиларнинг касаба уюшмалари ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштирган.** Компания ҳаражатлари ҳақида маълумотга эга бўлмаган касаба уюшмалари оқибатлари ҳисобга олинмаган имтиёзларни талаб қиласди.
- 5. Ташкилотнинг катталиги ва штат бирлигининг кенгайиб кетиши бошқарувда самарали назорат юритиш имконини бермасди.**
- 6. Менежер ва ходимлар рақобатнинг нима эканини англамасди.** Чунки бундай тизим йўқ эди.

Испоҳотнинг муҳим жиҳатлари қўйидагилардан иборат эди.

Рақобат муҳити яратилди. Бунга биринчидан, миллий компанияни бир неча хусусий компанияга бўлиш, иккинчидан, бир вақтнинг ўзида транспортнинг бошқа турларини ривожлантириш, учинчидан, нархларни қайта кўриб чиқиш орқали эришилди. Шу тариқа темирийўл компаниялари фойдани ошириш учун рағбатлантирилди.⁹

Ортиқча штат бирликлари қисқартирилди. Ортиқча ходимлар (277 минг киши) муаммосини ҳал қилиш учун ҳукумат турли миллий секторларни бандлик масаласига фаол ҳисса қўшишга чақирувчи маҳсус қонунни қабул қилди. Натижада, янги темирийўл компаниялари **203 минг кишини** иш билан таъминлади, қолганлар иш жойини ўзгартирди ёки пенсияга чиқди.

Бундан ташқари, **функциялар** ва эксплуатацион жавобгарлик **аниқ ажратиб қўйилди**. Бу темирийўл ташувларининг узлуксиз, самарали ва хавфсиз бўлишига имконият яратди.

⁹ <https://www.network-industries.org/wp-content/uploads/2019/07/Reform-of-the-Japanese-National-Railways-JNR.pdf>

Ўзаро боғлиқ (аффилланган) бизнесни ривожлантиришга туртки берилди. Йўловчи ташиш компаниялари ўз бозор сегментини ривожлантириш учун рағбат олгани сабабли, бекатлар ва уларнинг атрофидаги бўш жойлардан фаол фойдаланиб, ўзаро боғлиқ (аффилланган) бизнес билан шуғуллана бошлади. Хусусан, йирик темирйўл вокзаллари яқинида жойлашган меҳмонхоналар, кўчмас мулкни ривожлантириш лойиҳалари, жумладан, тижорат ва турар-жой биноларини бошқаришни ўзлаштириб, қўшимча фойда ола бошлади.

Тармоқни **ислоҳ қилиш натижасида** ташувлар ҳажми ва самарадорликнинг ошиши бу ислоҳотларни етарли даражада муваффақиятли, деб тан олишга асос бўлади.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда темирйўл транспорти соҳасида таркибий ислоҳотларни амалга ошириш масаласи кўндаланг турибти. Бу соҳа Ўзбекистонда молиявий жиҳатдан харажатларни қопламайди ва ишчи кучи ортиқча. Темирйўл хизматларини ислоҳ қилиш йўналишида Япония тажрибасидан намуна сифатида фойдаланиш мумкин.

*Шу жумладан «Ўзбекистон темир йуллари» АЖ йўловечи ташувлари бўйича темирйўл тармоқларини бир **неча компанияга бўлиш ва хусусий ташувчилар** учун соҳага кириш имкониятини яратишни кўриб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, ташувчилар япон модели асосида **аффилланган бизнесга** эътибор қаратиши **ва темир йуллар билан боғлиқ бўлмаган фаолият соҳасини** кенгайтиши мумкин.*

Фан-техника соҳасини ривожлантириш

Японияда фан ва технологиялар тараққиётини шартли равишда З босқичга бўлиш мумкин.

Фарб технологияларини фаол жалб этиш даври (1853-1945 йиллар). Ушбу даврда Япония чет эл технологияларини мамлакатга жалб қилиш сиёсатини олиб борди. **Бу жараёнда ҳукумат муҳим роль ўйнади.** У хорижий ноу-хау асосида йирик корхоналарнинг яратилишига ҳисса қўшди, кейинчалик улар **дзайбацу** (саноат-молия гуруҳлари) га айланди ва Япониянинг саноат ва технологик тараққиётида муҳим роль ўйнади. .

Фарб тажрибасидан фойдаланиб, янги технологиялар бўйича ўқитилган **муҳандисларни** тайёрлаш фаол давом этди.

Ўзлаштириш даври (1945-1973 йиллар). 1950-1960 йилларда технология сиёсатида танлаш (селектив) ёндашуви устунлик қилди. У янги пайдо

бўлаётган тармоқларнинг савдо протекционизми билан бирга кечди.¹⁰ Япония энг сўнгги фан ва техника ютуқларини фаол равишда ўзлаштира бошлади. 1950-1978 йилларда унинг ҳисобида **26 минг хорижий патент ва лицензия** мавжуд бўлиб, улардан олинган умумий даромад **70 млрд. долларни** ташкил этди.¹¹

Бундан ташқари, 1960-йилларда "Катта лойиҳалар" деб номланувчи **Миллий тадқиқот ва ишланмалар дастури** таъсис этилди. Уларда кўплаб фирмалар иштирок этиб, бир нечта кучли компаниянинг вақтингачалик бирлашмаси тузилди ва бошланғич мэрралар тенглаштирилди. Ушбу бирлмашмалар биргалиқда стандартлаштириш масаласини ҳал қилди, замонавий техник маълумотлар алмашинди ва ўзаро алоқалар мувофиқлаштирилди. Илмий-тадқиқот ва ишланмаларнинг натижаларини ўзлаштириш, товарларни ишлаб чиқариш жараёнида эса корхоналар ўртасида рақобат бошланди.

Ўз технологик салоҳиятини мустаҳкамлаш даври (1973-йилдан ҳозирги кунгача). 1973-йилдан Япония **ўз технологиялари ва инновацияларини ривожлантиришга** эътибор қаратади бошлади ва илмий-тадқиқот ишларига харажатларни оширди. Бу мамлакатда мавжуд технологиялар асосида мутлақо янги маҳсулотлар яратиш ва уларни такомиллаштиришга хизмат қилди.

80-йилларнинг бошларида Япония жаҳон бозорида маълум рақобат устунлигига эга бўлиб, юқори технологияли маҳсулотларнинг жаҳон экспортидаги улушкини 25 фоизга оширди (70-йиллар бошида 13 фоиз). Мамлакат кемасозлик, қора металлургия, автомобилсозлик, рақамли дастурий бошқарувга эга ускуналари, майший электроника, ярим ўтказгичлар ва интеграл микросхемалар бўйича етакчи ўринни эгаллайди.

Японияда замонавий миллий инновацион тизимни шакллантиришга ҳисса кўшадиган муҳим элемент **технополислардир**. Япониянинг бутун худуди **19 та технополисга** бўлинган. Ҳозирги босқичда технополислар йирик, ўрта ва кичик шаҳарларга айлантирилмоқда: Хамаматсу, Нагаока, Ямагучи шулар жумласидандир.

Япония технополислари анъанавий саноатга асосланган бўлиб, улар атрофида замонавий жамият учун зарур бўлган бошқа тармоқларни шакллантиради ва ривожлантиради.

Технополислар танлов асосида ташкил этилади. Ҳукумат яратилаётган объектлар жавоб бериши керак бўлган муайян мезонларни белгилайди. Бунда, илмий фаолият ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос тури кўрсатилади.

¹⁰ Г.Бакош «Технологическая политика в Японии: уроки для стран Восточной Европы». Вопросы экономики, 1997, №9. С. 101

¹¹ См. там же

Солиқ имтиёзлари ва қисман молиялаштириш рағбатлантирувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, кейинги йилларда Япония қўйидаги **салбий тенденциялар ва таркибий муаммоларга** дуч келаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Улардан бири аҳолининг **кексайиб ва қисқариб бориши** билан боғлиқ. Бу ҳолат илмий-тадқиқот ва тажриба ишлари учун етарлича инсоний ва молиявий ресурсларни таъминлашни қийинлаштирмоқда.

Таълим соҳаси

Таълим соҳасида 1870-йилда амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришларга қадар Япония аҳолисининг аксарияти **саводсиз бўлган**. Фақат самурайларгина таълим олиш имкониятига эга эди. Оддий аҳоли фақат бошланғич саводхонлик ва ҳисоблашни ўрганган.

Мэйдзи ислоҳотлари даврида, биринчи навбатда, таълимнинг ҳамма учун тенглиги эълон қилинди. Бу даврда Франция, АҚШ ва Пруссия намунасида **миллий таълим тизими** яратилди. Ҳамма жойда бошланғич ва ўрта мактаблар, шунингдек, университетлар очила бошланди.

Чет эллик ўқитувчилар кенг жалб қилинди, **мактабда ўқитиладиган фанлар** сезиларли даражада кўпайди.

Шундай қилиб, барча соҳалар, шу жумладан, таълимда ҳам **ғарблаштириш сиёсати** амалга оширилди. Таъкидлаш керакки, шу билан бирга, ҳукумат **миллий ўзига хосликни сақлашга** катта эътибор қаратди. Барча таълим муассасаларида ғарблаштириш даврида **миллий қадриятларни сақлаш** бўйича кўрсатмалар тўпламини ўз ичига олган таълим тўғрисидаги Императорлик рескрипти кенг қўлланилди.

Ҳукумат иқтисодиётнинг ўсиб бораётган тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш зарурлигини англаган ҳолда 1886-йилда **Сенмон-гакко** касб-хунар-техника билим юртлари тизимини ташкил этди. Ушбу мактаблар олий маълумотга эга бўлишга қизиқиши бўлмаган талабаларга амалий таълим беришга қаратилган эди.¹²

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда таълим соҳасида марказлаштиришдан воз кечиш, бошқарувни демократлаштириш ва янада мослашувчан таълим тизимини яратиш бўйича ислоҳотлар олиб борилди.

Хусусан, ҳар бир префектура ва муниципалитетда ушбу соҳани бошқариш учун масъул бўлган **таълим кенгашлари** ташкил этилди. Унинг аъзолари маҳаллий аҳоли томонидан сайланган.

¹² <https://scholarhub.ui.ac.id/cgi/viewcontent.cgi?article=1047&context=jsgs>

Таълим соҳаси ўқув дастурига киритилган **фанлар сонини камайтириш** орқали қўпроқ мослашувчанлик ва қулайлик яратиш мақсадида қайта кўриб чиқилди.

Кейинчалик, саноатлаштириш ва оғир саноатнинг ривожланиши шароитида **касб-ҳунар таълими** соҳасида фаол ривожланиш юз берди. Шу муносабат билан ҳукумат эътиборни стандартлаштирилган ўқув дастуридан маълум бир ҳудуд эҳтиёжларига жавоб берадиган **максус курсларни** ташкил этишга қаратди¹³.

Шунингдек, бир неча марта **Сенмон-гакко** касб-ҳунар – техника билим юртлари тизими ислоҳ қилинди. Ҳозирги кунда улар университетлар ва коллежлардан фарқли ўлароқ, **мослашувчан, касбга йўналтирилган олий ўқув юртлари тизими** ҳисобланади.

Сенмон-гакконинг асосий афзалликларидан бири амалий соҳада (бизнес, ишлаб чиқариш ва бошқалар) **ўн йилдан ортиқ тажрибага эга бўлган ўқитувчиларнинг борлигидир**. Бундан ташқари, Сенмон-гаккода ўтказиладиган дарсларнинг ярми ўқув муассасасида ёки корхоналарда ташкил этиладиган **амалий машғулотлардан** иборат.

Япония тажрибаси асосида Ўзбекистон учун таълимни бошқариш тизимини марказлаштирмаслик мақсадида ҳудудий асосда таълим кенгашларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Сенмон-гакконинг муваффақиятли тажрибасига асосланиб, Ўзбекистон «Сенмон-гакко» элементларидан фойдаланган ҳолда давлат ва хусусий техникум ҳамда коллежлар тизими ва тузилмасини аста-секин ўзгартириши мақсадга мувофиқ.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ва «япон меҳмондўстлиги»

Японияда ва чет элда «омотэнаси» сўзини эшлиши мумкин. Бу кўп ҳолларда **«япон меҳмондўстлиги»** деб таржима қилинади, лекин аслида турли хил маъноларга эга. «Омотэнаси» сўзининг маъноларидан бири «ўз кучини бирор нарсага сарфлаш»дир. Хизмат кўрсатиш соҳасига келсак, бу ўз ҳаракатларига жон бағишлиб, мижоз билан муомала қилишни англаатади.

Япон меҳмондўстлигининг **асосий тамойиллари**:

- Кузатиш (мэкубари),
- Диққат (кокорокубари),
- Ғамхўрлик (кикубари).

¹³ https://www.mext.go.jp/b_menu/hakusho/html/others/detail/1317376.htm

Япон мөхмөндүстлигининг аниқ күринишини **туризм соҳасида** сезиш мумкин. Масалан, ҳар қандай анъанавий япон мөхмөнхонасида. Бундай мөхмөнхонадаги зиёфатлар кириш эшиги олдида анъанавий саломлашиш билан бошланади, кимоно кийган мөхмөнхона соҳибаси (оками) ва хизматкор мөхмөнларга таъзим қиласи. Хизматкорлардан бири маълум бир мөхмөн учун масъул этиб тайинланади. У мөхмөнни хонага кузатиб қўяди, чой беради, ўз вақтида кечки овқат ва нонушта олиб келади.

Мөхмөндүстлик фалсафаси ҳам **ўзгариб бормоқда**, чунки замонавий дунёда шахсий чегаранинг аҳамияти ортиб бораяпти. Шахсий ҳаёт ва шахсий маконга нисбатан ҳурмат ғамхўрлик ва мөхмөндүстликнинг янада камроқ сезилиши ва янада батартиб бўлишига таъсир қиласи. Баъзи япон анъанавий мөхмөнхоналари мөхмөнларни катта эътибор билан безовта қилмаслик мақсадида мөхмөнларни кутиб олиш учун кириш жойида саф тортиш анъанасидан воз кеча бошлади. Дам олувчиларни беҳуда безовта қилмаслик мақсадида хоналардаги мижозлардан хабар олишлар сони ҳам сезиларли даражада камайди.

Япон мөхмөндүстлиги нафақат ходимларнинг мурожаати, балки **пухта ишлаб чиқилган ўзига хос техник жиҳат ҳамдир**. Буни автобусларда, поездларда ва темир йўл бекатларида овозли ва визуал огоҳлантириш тизими, кўп функционаллик ва жойларнинг қулайлиги мисолида кўриш мумкин.

Масалан, Япониянинг Синканси тезюарар поездидаги кейинги ҳар бир рейсдан олдин тозалаш ишлари учун роппа-роса етти дақиқа вақт ажратилади. Тозалаш гуруҳи ўз ишларини аниқ ва уйғун тарзда бажаради.

Японияда **туризм сектори тез суръатлар билан ўсиб бормоқда**. Буни асосан «япон мөхмөндүстлиги» билан боғлаш мумкин. Бундан ташқари, сифатли хизмат ва мавжуд майдонлардан самарали фойдаланиш ушбу сегмент тез ўсишининг асосий сабабларидир. Японияга келувчилар сони йилдан-йилга ортиб бораяпти ва у мөхмөндүстлик саноатини кенгайтирмоқда. Ҳар йили мамлакатда мөхмөнхоналарни тўлдиришнинг энг юқори даражаси қайд этилади, бу тахминан **80 фоизни** ташкил қиласи.

Ўзбекистон учун *туризм ва бошқа хизмат қўрсатиш соҳаларини ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади*. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Япониянинг мөхмөндүстлик бўйича тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Буни *туризм, мөхмөнхона, ресторон бизнеси ва бошқа соҳалардаги япон мутахассислари ва менежерларини таклиф қилиш, шунингдек, маҳаллий ихтисослашган университетларнинг битирувчилари учун Японияда амалиёт дастурларини ташкил этиш орқали амалга ошириш мумкин*.

Миграция сиёсати

Японияда миграцион оқимларнинг ривожланиши бир неча босқичда кечди. Миграция сиёсати турли босқичларда турлича йўналишга эга бўлди, яъни мамлакатнинг тўлақонли изоляциясидан тортиб, чегараларнинг тўлиқ очилишигача, миграцион оқимларни қатъий назорат қилишдан тортиб, назоратнинг заифлашувигача.

90-йиллардан бошлаб **ҳозирги вақтга қадар «Янги миграция сиёсати»** даври кечмоқда. Ушбу сиёсат **юқори малакали мигрант ишчилар** учун афзаллик тамойили билан тавсифланади. Мамлакатда узоқ муддатга келган чет элликларнинг учта асосий тоифаси мавжуд: **доимий яшовчилар, қочқинлар ҳамда меҳнат муҳожирлари¹⁴.**

Меҳнат муҳожирларига нисбатан **«уч эшик»** сиёсати қўлланилади:

- **«Асосий эшик»** – маълум енгилликлар берилувчи япон муҳожирларининг авлодларига нисбатан қўлланилади.
- **«Ён эшик»** – таҳсил олаётган тажриба муддатини ўтовчилар ва малака оширувчиларга нисбатан қўлланилади. Иммиграциянинг бу тури ривожланаётган мамлакатларга янги технологияларга оид билимларни бериш унсури сифатида ўйлаб топилган.

«Орқа эшик» – бу сайёхлик визаси билан кириб, кейин ишлаш учун қоладиган ноқонуний муҳожирларга қарши фаол кураш сиёсати. Улар одатда жаримага тортилади ва депортация қилинади¹⁵.

Япониянинг замонавий миграцион сиёсатидаги **бир қатор муаммоларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумикин**.

Биринчидан, аҳолининг кексайиш жараёни ишчи кучи етишмаслигига олиб келади. Хусусан, IT ва фан соҳасида, STEM (муҳандислар ва математиклар), йирик саноат компанияларида (автомобилсозлик ва электроника) **юқори малакали кадрларнинг кескин тақчиллиги** муаммоси мавжуд. Ҳатто илғор соҳаларда ҳам компаниялар ёш чегарасидан воз кечишига ва **80 ёшдан ошган** ходимлар билан шартномаларни узайтиришга мажбур бўлмоқда. Аммо бу компанияларнинг самарадорлиги ва инновационлик даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, тиббиёт, қурилиш ва таъмирлаш, меҳмонхона ва ресторон бизнеси каби соҳаларда **ўрта бўғин мутахассислари** етишмайди.

¹⁴ <https://cyberleninka.ru/article/n/migratsionnaya-politika-yaponii-uroki-dlya-sovershenstvovaniya-federalnoy-i-regionalnoy-migratsionnoy-politiki-rossii>

¹⁵ file:///D:/Downloads/%D0%92%D0%A0.pdf%20(2).pdf

Юзага келган муаммо туфайли ҳукумат ишга хорижликларни ёллашни рағбатлантиримоқда. Масалан, чет эллик врачлар ва ҳамширалар амалиётга қабул қилинишидан олдин Японияда соҳага оид билими бўйича имтиҳонни мұваффақиятли топшириши ва доимий резидент мақомини олиши керак. Японияда бу мақом меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун чекловлар бўлмаслигини кўзда тутади, лекин мунтазам равишда қайта рўйхатдан ўтишни талаб қиласди. Ҳозир аҳолининг 1 фоиздан камроғи ушбу мақомга эга.

Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти ва ишчи кучи тажрифининг талабдан юқорилигини инобатга олган ҳолда имкониятларни ишга солиш ва Япония билан меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарур.

Иккинчидан, хорижий ишчилар учун «тажриба муддатини ўтовчи/ишчи» мақоми тақдим этиладиган виза қонунчилигига имтиёзларни сустеъмол қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Ушбу мақом **корхонада ўқитиш ва амалиёт ўташни назарда тутади**¹⁶. Бироқ, Япониянинг кичик ва ўртача катталиқдаги компаниялари арzon ишчи кучини олиб кириш учун ушбу виза енгиллигидан фойдаланади. Бундай тоифадаги ишчиларни ҳеч ким ўқитмайди, лекин улардан кам маош тўланадиган ва ижтимоий кафолатлар бўлмаган оғир жисмоний меҳнат талаб этилувчи ишларда фойдаланилади.

Япония ҳукумати тажриба муддатини ўтовчилар (стажёрлар) ёки ишчиларни жалб қиласди ган корхоналарни назорат қилиш ва ҳисобга олишининг қатъий қоидаларини жорий этиш, «тажриба муддатини ўтовчилар» тоифасига нисбатан миграция қонунчилигининг янги нормаларини ишлаб чиқиш, чет эллик талабалар таҳсил оладиган таълим муассасаларини қўллаб-кувватлаш учун қўшимча субсидиялар ажратиш орқали ушбу **муаммога қарши фаол курашмоқда**.

Бир томондан Ўзбекистонда ишлаб чиқаришда юқори малакали мутахассисларининг этишмаслиги, бошқа томондан Япониянинг чет эллик тажриба муддатини ўтовчиларни ҳимоя қилиш даражасини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳисобга олинса, меҳнат миграциясининг ушбу йўналишидан bemalol фойдаланиш мумкин.

Учинчидан, Япония аҳолисининг йирик шаҳарларга фаол кўчиши натижасида мамлакат кучли урбанизациялашган давлатга айланди ва натижада йирик шаҳарлар аҳолиси ва шаҳар ташқарисида истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш даражасида сезиларли тафовутлар пайдо бўлди. Япония ҳукумати уни бартараф этишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга ошироқда:

¹⁶Kondo A. Development of Immigration Policy in Japan. – URL: <http://www.jp.kyusanu.ac.jp./J/keizai/pdffiles/Development%20Immigration%20Policy20%in2%20Japan.pdf>

- Шаҳарлар ташқарисидаги аҳоли учун ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш;
- Бутун мамлакатни юқори сифатли тезюрар автомобиль ва темир йўллар тармоғи билан боғлайдиган транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;
- Хизматлар сифати ва сони бўйича йирик шаҳарлардан фарқ қилмайдиган кичик шаҳарларни ривожлантиришни рағбатлантиришга устувор аҳамият бериб, шаҳарларни диверсификация қилиш сиёсатини олиб бориш шулар жумласидандир¹⁷.

Ўзбекистон учун ҳам юқорида келтирилган чора-тадбирлар самарали ҳудудий миграция сиёсатини амалга оширишда долзарб саналади.

¹⁷ Асахи симбун. Раздел Политика. – 2006. – 27 февраля. – С. 3.